

Хаёт ажойиб сирлар ва тилсимлар билан тўла.

Баъзан куни кеча яратилган асар кўлёзмасини тополмай, шоирнинг ўзи хам, сиз хам роса хуноб бўласиз. Баъзан бундан эллик, хатто юз йил аввал дунё юзини кўрган, аммо унинг борлигини хеч ким билмаган асарлар, тилла баликча сингари, тадқикотчи “кармоги”га илинади-колади.

Камина бундан бир-икки йил аввал Усмон Носир каламига мансуб бир таржиманинг мавжудлигини аниклаган эди. Аммо менинг бу топилма хакидаги маколам матбуотда жуда кечикиб чиқди. Ундан хам ачинарлиси шундаки, адабий жамоатчилийк, гўё хеч нарса бўлмагандек, унга заррача эътибор бермади. Холбуки, назаримда, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари адиблар каламига мансуб хар бир янги асарнинг топилиши адабиётимиз учун байрам бўлиши лозим.

Гётенинг бой адабий меросида “Эгмонт” трагедияси алохида мавкени эгаллади.

Гарчанд буюк немис шоири бу асарга 1786 йили Италияда сўнгги нуктани кўйган бўлса-да, у шу воеадан роппа-роса ўн йил илгари, 1776 йили ёзила бошлаган. Шунинг учун хам унда навкирон Гёте ижодига хос романтик пафос, каҳрамонона рух устуворлик килади.

Граф Эгмонт — тарихий шахс. Унинг хаёти ва фаолияти Нидерландиянинг испан хукмронлигига карши олиб борган миллий-озодлик харакати билан чамбарчас бөглик. Эгмонт тарихий шахс сифатида хеч качон бу харакатнинг йўлбошчиси бўлмаган. Аммо мустабид испан тузуми Эгмонт сиймосида кўзголон кўтарган омманинг йўлбошчисини кўрган ва уни маҳв этиб, кўзголон “илдиз”ини таг-томири билан киркиб ташламокчи бўлган.

Гёте ўз асарини ёзиш жараёнида Эгмонт образини кайта идрок этди: киролга содик бу инсонни эл-юртнинг ардокли фарзанди, нидерланд миллий характерининг жонли тажассуми сифатида талкин килди.

Хурлик ва озодлик учун кураш гояси балкиб турган “Эгмонт” трагедияси буюк немис композитори Людвиг Ван Бетховенга бир олам илхом багишлади ва у ўзининг ўлмас музикаси билан бу асарга иккинчи умрни ато этди. Мана, бир ярим асрдан зиёд вактдан бери “Эгмонт”, Бетховеннинг бу асар асосида яратилган “Фиделио” операси-ю “Леонора” увертюраси жаҳон театрлари ва концерт заллари сахнасини безаб келмокда. XX асрнинг 30-йилларидан Бетховен музикаси билан музайян этилган “Эгмонт” трагедияси машхур рус артистлари ижросида намойиш этила бошлади. Ўша йиллари Ўзбекистон радиокўмитасида хам ушбу асарни эфир оркали ўзбек тилида халкка етказиш истаги тугилди. Кўмита раҳбари Курбон Берегиннинг маслаҳати билан асар таржимаси Усмон Носирга топширилди. Шу кезлари “Демон”ни ўзбек тилига койилмаком таржима килгани ва ижодида исёнкорлик руҳи кучли экани учун, К. Берегин назарида, бу асарни факат Усмон Носиргина таржима килиши мумкин эди. Аммо таржима тайёр бўлиб, радиоспектаклни яратишга киришилган вактда Усмон Носир дафъатан камокка олинади.

1937 йил 28 август куни бўлиб ўтган тергов вактида радиокўмита адабий эшиттириш таҳририяти ходимларидан бири бундай маълумот берган: “Тахминан июл ойининг охирлари ёхуд август ойининг бошларида мен “Эгмонт” адабий-музыкий эшиттириши таржимони Усмон Носировнинг хибсга олинганини эшитдим. Мен бу хакда Пеккерга айтиб, ундан энди нима киламиз, деб сўрадим. Пеккер менга аник бир жавоб бермади.

Шундан кейин кўп ўтмай, Ўзбекистон радиокўмитасига республикада хизмат кўрсатган артист Аброр Хидоятов кириб келди. Пеккер унга асарнинг аксилиниклобчи миллатчи Усмон Носиров томонидан таржима килингани хакида чурк хам этмай, унга Эгмонт монологини ёдлаш учун берди. Бу хам камлик килгандек, Аброр Хидоятов асарни ким таржима килганлиги билан кизикканда Пеккер унинг аллакандай Усмонов деган одам томонидан таржима килинганини айтди..."

Ушбу кўрсатмага караганда, "Эгмонт" ролини Аброр Хидоятов ижро этиши, шарнофонга ёзиб олинган бу адабий-музыкй эшиттириш Парижда ўтажак кўргазмага юборилиши ва халкаро фестивалда ўзбек маданиятининг совет даврида эришган ютукларини кўз-кўз килиши лозим эди. Лекин, афсуски, "хушёр" кимсаларнинг саъй-харакатлари туфайли "Эгмонт" радиоспектакли ўз вактида эфирга чикмади. Асарнинг Аброр Хидоятов кўлидаги нусхаси НКВД томонидан олиб кетилди. Буюк ўзбек артисти эса "аксилиниклобчи ва миллатчи шоир" каламига мансуб таржимани ижро этмокчи бўлгани учун жабр торти.

50-йиллари Ўзбекистон радиокўмитасига ишга келган таникли сўз устаси Убай Бурхон, кекса радиожурналист Бурхон Зиёевнинг хотирлашига кўра, мазкур таржиманинг бошка бир нусхасини топиб, шу нусха асосида "Эгмонт" радиоспектаклини тайёрлади ва бу асар узок йиллар давомида эфир оркали эшиттириб борилди. Биз бугун бу асарни ўкир эканмиз, унинг даҳшатли 1937 йили Усмон Носир томонидан бежиз таржима этилмагани ва унда катл олдида турган ўзбек шоирларининг калб нидолари ифодаланганига гувоҳ бўламиз.

Куйида биринчи марта эълон килинаётган "Эгмонт" монологи оташнафас шоир ва таржимон Усмон Носирнинг сўнгги кўшигидир.

Наим КАРИМОВ

К л е р х е н к ў ш и г и

(Музика)

Янграр барабанлар

Хам флейта куйлар.

Менинг ёрим отряд

Олдида борар.

Эй, завкинг келар,

Кўнглинг кўзголар.

Эй, бўлса агарда

Дубулга, калкон,

Курашга чикардим

Мен хам бегумон.

Борардим ортидан

Колмай изма-из.

Чекинди ёв, олга

Борар полкимиз.

Кандай яхши ботир,

Зўр жангчи бўлмок.

Зўр жангчи бўлмок.

Эгмонт (ёлгиз). Кадрдон дўстим! Вафоли уйку! Бошка дўстларим каби нахотки сен хам мени тарк этдинг! Сен ахир эркин ўйларимга ором берар, гўзал ва сўнмас бир севги чамбари каби ардоклар эдинг. Жанглар сурони ва дунё ташвишлари остида мен бегуноҳ бир гўдак сингари огушингда тинч ва енгил нафас олар эдим. Бўрон дараҳт бутоклари ва япроқлари орасидан эсиб ўтиб, унинг танасини силкитса хам ўзаги омон колади-ку. Нечун мен калтирамоқдаман? Далил ва содик калбимни галаёнга солаётган нима? Биламан: бу — котил болтаси. У менинг хаёт илдизларимни кемирмокчи бўлади. Коматим расо турса хам ичдан калтирок сезаёттирман. Нима учун сен, энг кўркинчли хавф-хатарларни совун кўпикларидек учириб юборган киши сенга карши келаётган даҳшатларни маҳв этиб ташлаёлмайсан? Ахир сен ўлимнинг хар кандай даҳшатлари ичиди, хаётнинг оддий ташвишлари ичиди яшагандек баҳузур яшардинг-ку!.. Йўқ, мени даҳшатга солган ўлим эмас. Бу мард юрак ногихон ўлим билан олишишга хар качон тайёр. Гўрга ўхшаш бу зиндан кўркоклар назарида хам, ботирлар назарида хам жирканч кўринади. Давлат кенгашида князлар хал килиниши жуда осон бўлган масалалар остида узундан-узок музокара юритганларида, юмшок креслода ўтириб уларни тинглаш накадар оғир эди менга! Узилмас залнинг деворлари остида мен ўзимни худди бўғилгандек хис килардим. Ўшанда мен имкон борича у ердан тезрок кошишга шошилар ва отга минар, соф хаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш учун олисларга, эркинлик кўйнига, кирларга чопардим. У бепоён далаларда табиат ўзининг ер тагидан чиккан бутун ноз-неъматларини инъом этар ва осмон ўз юлдузлари билан оламни ёритарди. У ерларда биз она ернинг фарзандлари каби унинг огушида худди пахлавонларга ўхшаб юксакларга баланд парвоз килиш учун яна кучлирок интилардик. Биз у ерда бутун инсоний хис-туйгуларни сезардик, конларимизда бутун инсоний интилишлар алангаси ёнар, у ерда ёш овчининг кўнглида олга интилиш, зафар ташналиги, ўз куч-кудратини кўрсатиш орзузи жўш уради.

Ох, бу факат хаёлот, холос. Кўп замонлар молик бўлганим саодатнинг сохта хаёлоти, холос! Бу маккор тақдир сени каёкка ундар? Ёки сени хеч качон кўркитолмаган ўлимни куёш чехрасига келтириш ўрнига гўр азобидан дарак бермокчими? Бу тош деворлар накадар бадбўй хид сочадилар менга! Хаётим сўнаёттир. Тобутга ўхшаш бу уйку тўшагига бош кўйиш накадар даҳшатли...

Ох, хасрат, кайгу! Мени бевакт ўлимга маҳкум этмокчи бўлган хасрат, тўхта, кўй мени!.. Качондан бери Эгмонт оламда бутунлай танҳо колди? Сени эзаётган нарса баҳт эмас, шубхалар, шубхалар эзаётir... Нахотки, сен бутун умр ишонганинг киролнинг адолати ёки маликанинг мухаббатсимон дўстлиги сени коронги сўкмокда ёлгиз колдириб, тун кўйнида гойиб бўлиб кетди? Нахотки, шахзода Оранский дўстларга бош бўлиб, мени озод этишга журъат этолмаса? Нахотки, халк кўтарилимаса? Нахотки, кудратли куч бўлиб ўз кадрдон дўстига нажот бермаса?

Эй, мени ўз исканжасига олган деворлар! Ўз калбларини калкон килиб мен учун ёрдамга келаётганларнинг йўлини тўсмангиз! Авваллари менинг кўзларимдан эмиб олганлари у жасорат оловлари энди уларнинг калбларидан яна менинг калбимга куюлсин. Ха, ха! Улар минг-минг бўлиб кўзголаётирлар! Улар келаётирлар! Улар менга мадад берадилар! Уларнинг ўтинч нидолари кўкка учмокда, улар мўжиза истайдилар, улар найза ва килич олажаклар. Уларнинг зарбалари остида дарвозалар кулаб тушади. Кишанлар парчаланади, деворлар йикиласди ва Эгмонт ёришаётган тонг шуълалари остида

озодлик каршисига пешвоз чикади. О, канча-канча таниш юзлар шодиёналиқ билан кутиб олурлар мени!..

### К л е р х е н к ў ш и г и

(Музика)

Шодлик ва кайгу

Фикринг банд этар.

Ёрим чарчаб, нафас

Кучланар, кийнап.

Азоб тугаб, уни

Кучади шафкат

Ва баҳтиёрлик,

Факат мухаббат.

Бахту баҳор билан

Севги-мухаббат.

Эгмонт. Хаммаси тугади. Хаммаси хал. Нажот йўқ. Турмадан чикишга хам йўл йўқ.

Жаллодлар бостириб кирадилар. Мен эса бошимни болта остига кўяман ва шу турмада мангу уйкуга кетаман. Мен кўлда килич ушлаб эмас, шухратли жангда эмас, Гравелин жангидаги ўзини жангга ташлаган ва оркасидан бутун қаҳрамонлар полкини етаклаб борувчи қаҳрамон сифатида эмас, турмада хаёт билан видолашмакдаман. Энди шу коронги турма деворлари остида, шу болта остида танҳо жон бераман.

Хаммаси тугади. Хаммаси хал. Нима бўлди менга? Нима учун кўнглимда осойишталиқ?

Бу кандай тоза рух? Менга хеч нарса кўркинчли эмас. Мен танҳо эмасман. Эй, менинг дўстларим, жонажон халким, ўртокларим! Мен сиз учун яшадим ва менинг рухим абадий сиз билан бирга. Калбим тўла нур хам ором. Мен ухламок истайман ва ишонаманки... Эй жаллод, мени уйкудан уйготмасданок...

Кел, эй, менинг тинч оромим! Мен ухламок истайман ва ишонаманки, ухлайман. Ум-м... жаллод мени уйкудан уйготмасданок умримга хотима бера колсайди. (Музика.) Кел, эй менинг тинч оромим ! Кел, хаёт ва ўлим хакида бутун тасаввурларни бир-бирига кориштириб юбор. Шодлик ва ўлимни хам бир-бирига кўш. Сен хам кел, эй менинг севгилим! Кел, эй менинг ягона Кларам, лабларимга лаб кўйиб, сўнгги видолашув бўясини бер. Кел, тинч оромим, хаётимнинг сўнгги ороми, кел. (Музика.)

Мен ажойиб лавхани кўрдим! Куёш нурига бурканган озодлик тимсолини кўрдим ва унинг орази, бу — эрк орази, севгилим Кларанинг оразидек табассум килди менга. Сизлар — менинг калбимдан жой олган эрк ва севгилим, айтинг, кайси бирингизнинг севгингиз кучли экан?.. Бирок мен сўнгига кўрдимки, Кларанинг табассуми озодлик кайуси билан алмашди ва кон офтоб киёфасида равshan кўринди. Бу кон эрк оёги остида тупрокни кип-кизил килиб бўяди. “Бу сенинг конинг, сенинг, Эгмонт! Бу кўпларнинг кони — эрк севувчиларнинг кони!” деган садо янгради. Бу кон бехуда тўкилмади. Бу кон озодлик учун тўкилган кутлуг кондир.

Сенинг конинг табаррук бўлади, Эгмонт! Кўзгол, халким, кўзгол, сени зафар кутади.

Сен денгиздек улугвор халксан, денгиздек кудратли ва кўркинчлисан. Сен денгиз тўфони каби бутун тўсикларни парчалаб ташлайсан.

О, жонажон шахрим, душман сенинг деворларингга якинлашмокда. Халким, гражданлар,

дүйстларим, нега хозир сиз билан бирга эмасман? Аммо рухим сиз билан бирга. Яна мардона бўлинг, ўлимдан кўркманг! Озодлик учун, ўлмас мухаббатга эга бўлган хамма одамлар учун ўлим йўк! Демак, озодлик учун курашингиз! Бу турмада тинч ва шодлик билан жон бераётган мен каби сиз хам жангда шодлик билан жон беринг!  
Жаллод, кани кир, ўз ишингни тугат! Эй, сиз — ёлланган солдатлар, сиз жанг майдонида керак эмассиз. Менинг олдимга бостириб кирсангиз хам, ўз сафларингизни оширсангиз хам, барибир, менинг олдимда ожиз коласиз. Мен энди икки умр билан яшайман. Бирини сиз оласиз, аммо иккинчисини сизга бермайман. Иккинчиси — менинг умрим. Бу умр халк билан озодликда яшайди. (Тантанали музика.)

*Усмон Носир таржимаси*